





Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 7 columns: ДУШАНБА 21, СЕШАНБА 22, ЧОРШАНБА 23, ПАЙШАНБА 24, ЖУМА 25, ШАНБА 26, ЯКШАНБА 27. Each column contains a list of TV programs with their start times and channel information.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 ноябрдаги 493-ф сонли фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси шахарлари, туманлари, аҳоли пунктлари ва иктисодий тармоқлари объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида шу йилнинг 15 ноябрдан 15 декабрга қадар «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади.

Вниманию организаций и предприятий! Инжиниринговая компания «Служба единого заказчика» Ташоблхокимията ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ (ТЕНДЕР) По объектам:
Лот № 1-1. Строительство школы № 39 на 216 учащихся в ш/х Х. Алимджана Аккурганского района Ташкентской области.

# ҲАЙКАЛТАРОШЛАР СУЛОЛАСИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида ҳайкалтарош Ивановлар сулоласи ижодига бағишланган кўргазма очилди.

Сулола асосчиси, Ўзбекистон халқ рессоми Алексей Иванов ҳаёт бўлганида ҳозир юз баҳорни қаршилаган бўлар эди. У юртимизда ўтган асрнинг йигирманчи йиллари охиридан фаолият кўрсата бошлади. Ҳайкалтарош ижод йўлининг бошланиш даврида Шарқнинг буюк мутафаккирлари сиймосини яраттига катта аҳамият берди. Бугунги кунда устанинг ўғиллари Марк ҳамда Павел Иванов Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рессомлик ва дизайн институти тасмоллаб, ота касбини муваффақиятли давом эттирмоқда. Улар юртимиздаги бир қатор

йирик ёдгорлик мажмуалари, музейларни меъморий безатишда қатнашиш барибронза, чинни ва ёғочдан бетакрор мўъжаз ҳайкалчалар яратиш борсида ҳам ўз истеъдодларини намойиш этаётдилар. Қўли гул ҳайкалтарошларнинг асарлари, бадий композициялари Россия, Туркия, Германия каби давлатларда кўргазмаларда юксак баҳоланган. Кўргазмада сулола вакилларининг "Тукинлик", "Ҳаёт дарахти", "Чўпон", "Узум кўтарган қиз", "Аёл" каби эллиқдан зиёд асари намойиш этилмоқда.

**Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.**

# «ТОҒЛАРДА МЕНИНГ ҚАЛБИМ»

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида "Тоғларда менинг қалбим" деб номланган кўргазма очилди. Унда уч мусаввир — Римма Гаглоева, Вера Нечаева, Дилос Мурсалимов асарлари намойиш этилмоқда.

Жаннатмонанд юртимизнинг бетакрор табиат манзаралари мусаввирларимиз ижодининг доимий манбаи бўлиб келган. Ушбу мавзу бўлиб ҳар бир мусаввир ўзига ҳос тарзда ёндашиши билан ҳам аҳамиятлидир. Р. Гаглоева "Тоғлардаги

қўл", "Оқшомги Сўқоқ" каби картиналарида она табиат манзараларини сокин тарзда ва қуюқ рангларда ифода қилган. В. Нечаеванинг "Чимён", "Манзара", "Ёзги Чорвоқ" каби асарларида эса табиат ҳодисалари моҳирона акс эттирилган. Д. Мур-

салимовнинг кўргазмадан жой олган "Тонда", "Даралар", "Хоразмда" номли асарлари ёрқин рангларга бойлиги, картиналарнинг бир-бирини тақрорламаслиги билан санъат мухлислари эътиборини тортади.

**ЎЗА.**

# ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●



## «Германия — 2006»

Ўзбекистон миллий терма жамоасини орта қолдириб, кейинги босқичга чиққан Баҳрайн терма жамоаси Тринидад-Тобаго миллий терма жамоаси билан ўزлашган икки учрашув натижасига кўра чемпионатда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

Улар дастлабки учрашувни сафарда ўтказиб, 1:1 ҳисобида дурандга эришган эдилар. Манаматдаги жавоб учрашувда эса, 0:1 ҳисобида енглидилар. Тринидад-Тобаго миллий терма жамоаси 2006 йилда Германияда бўлиб ўтади-деган ҳақон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Шундай қилиб, жаҳон чемпионатида бориш учун плей офф учрашувларида жаҳон чемпионатида иштирок этадиган 32 жамоа номи аниқланди. Янги йил арафасида улар ўртасида кура ташлаш маросими бўлиб ўтди.

## Ўзбекистон кубоги

### «Нефтчи» биринчи финалчи

«Нефтчи» жамоаси ўз майдонида Ўзбекистон кубоги ярим финали жавоб учрашувини ўтказди. Биринчи ўйинда «Бухоро» жамоаси «Нефтчи»ни 1:0 ҳисобида мағлуб этган эди.

Чемпионатнинг совринли ўринларидан маҳрум бўлган «Нефтчи» ўз майдонидаги жавоб учрашувда биринчи бўлимдаёқ рақиблар дарвозасига икки тўп киритиб, ўйин тақдирини деярли хал қилиб қўйди. 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган «Нефтчи» биринчи финалчига айланди. Иккинчи финалчи «Навбахор» — «Пахтакор» жуплиги ўртасида ўтказиладиган икки учрашувдан сўнг аниқланади. Кеча Наманганда дастлабки учрашув ўтказилди. Жавоб учрашуви 21 ноябрда Тошкентда бўлади.

### Хотира турнири

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ангрэн шаҳар кенгаши ҳамда икки ишлар бўлими ҳамкорлигида 1996 йлда Янгиобод воқеаларида ҳалок бўлган марҳум икки ишлар ходимлари В. Говорухин, Б. Пулатов, А. Қорабев хотирасига бағишлаб ёш тақвондорлар турнири ўтказди. Унда вилоти ятимиз шаҳар ва туманлари ҳамда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан 100 дан зиёд спортчи иштирок этди. Турнир сўнггида марҳум икки ишлар ходимларининг оилалари ҳамда голиб спортчилар ва барча иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

# Ўйлаб Тоилмаган Ҳикоялар

## ТУҒИЛГАН КҮН

Тўрт йигит техника университетини битирди, эндигина Бекободда, металлургия комбинатиде иш бошлаган кезларимиз. Турли цехларга жойлашдик, мутахассислар ётоқхонасидан алоҳида-алоҳида хоналар ҳам ажратиб беришди. Ёш мутахассисларга рўзгорни тўғрилай олиш учун берилган ёрдам пулини, биримиз у-биримиз бу олиб, уч-тўрт кунда совуриб юбордик. Хали маошга ҳайла фураст бор. Шу боис «студентча ҳаёт»га ўтиб олган кунларимиз эрта тонгда сменага кетаётсам, қозонхонада иш бошлаган Александр Рухмалёв йўлақда, хонанининг эшиги олдида кутиб турган экан.

— Акбарали, индига сенинг туғилган кунинг-а? — сўраб қолди у саломлашганимиздан кейин. — Янги иш жойи, турли ташвишлар билан бўлиб, ҳайлимдан кўтарилган экан. Бир томони миннатдор бўлиб, эслатиб қўйгани учун Рухмалёвга раҳмат айтдим. — Нишонласан дегандим, — деди Александр. — Мен нима қилсам экан, деб ўйлаб тургандим. — Шунча ҳам ўйлаётганим, икки шиша ичимлик ол-да келавер. Шундай дедим-да, физиллаб йўлимга кетавердим. Айвончада Миродил рўпара келди, мени кўрди-ю: — Дўстим! — Деди. — Туғилган кунингизни яқшанга кечкурун нишонлаймиз-да, а? — Келавер, — дедим вақтим эчкилигини сездириш учун қадимини секинлатмай. — Хайронман, — деди у қартимони қуруқлигига ишора қилиб. — Туғилган кунга куруқ бориш уят-ку? — Келавер, — дедим қадимини бироз секинлатиб, — Жуда унғайсизлансанг, бир кило қолбаса олакел. Миродил: — Яхши гап, — деганча

## Абу Али ибн Синонинг 1025 йиллиги

Мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида улғу аждодларимиз хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилиб, улар қолдирган бой маданий ва маънавий меросни ўрганиш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур тадқиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Истиқлол йилларида халқимизнинг кўлаб буюқ фарзандлари номлари билан боғлиқ қадамжолар оבוד этилди, янги ёдгорлик мажмуалари қад ростлади. Ёш авлодни аждодларга муносиб ворислар сифатида тарбиялаш борсида улкан ишлар амалга оширилди, бу хайрли иш давом этмоқда.

Айни кунларда дёиримизда жаҳон или-фани хазинасига бемисл ҳисса қўшган улғу бобомиз Абу Али ибн Синонинг 1025 йиллик юбилейини нишонлашга қизғин ҳозирлик қилинмоқда. «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ўтказиладиган мазкур тантаналарда «Ибн Сино» халқро жамғармаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Жамғарма раиси, тиббиёт фанлари доктори **Шухрат ЭРГАШЕВ** билан **ЎЗА муҳбири**нинг сўхбати ана шу хусусда бўлди. — Буюқ бобомиз Абу Али ибн Сино Маширда эъоз ва эҳтиром билан Шайх ур-раис — Шайхларнинг раиси деб аталса, Мағрибда Аввиенна номи билан машҳур, — дейди Ш.Эргашев. — Ул зот миллодий 980 йилнинг август ойида Бухоро яқинидаги Афшонга қишлоғида дунёга келган.

Ибн Сино, умри мураккаб ва серташвиш вазиёларда ўтганига қарамай, илм-фаннинг ўн икки соҳаси бўйича мислосиз ютуқларни қўлга киритган. — Уша даврдаги мавжуд сий-

сий вазиёти буюқ ватандошимиз бошига кўп сарсон-саргардонликлар солган. У Бухордан Хоразмга кўчади, ундан кейин Исфаҳон ва Ҳамдон шаҳарларида яшайди.

## Буюқ мерос ВА МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ

Аллома Хоразмда яшаган даврларда Маъмур академиясида кўлаб машҳур олимлар, айниқса, Абу Райҳон Беруний билан яқин илмий-ижодий ҳамкорлик қилган. Узининг дунёга машҳур "Тиб қонунлари" ва "Аш-Шифо" асарлари учун зарур маълумотлар тўплаган.

1037 йилда 57 ёшда вафот этган ватандошимиз Ҳамдон шаҳрига дафн этилган. Ибн Сино фаолияти билан шуғулланган олимлар унинг ҳар лаҳзадан унумли фойдалангани алоҳида таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, инсон 57 йиллик ҳаёти давомида 450 дан ортиқ асар ёзиб, илм-фаннинг кўлаб соҳаларида ўчмас из қолдириши осон эмас.

Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" асари дунё мамлакатларида ҳам унумли таъабот соҳа-

сидаги муҳим қўлланма сифатида ўқиб-ўрганиб келинмоқда.

— Буюқ ватандошимиз қолдирган бой маънавий-маърифий меросни ўрганиш ва тарғиб этиш, унинг 1025 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш борсида сиз раҳбарлик қилаётган жамғарма қандай ишларни амалга оширмоқда? — Улғу ватандошимиз меросини чуқур ўрганиш ва тар-

ғиб қилиш, бу йўналишда илмий излашлар олиб бориш Юртобшомиз ташаббуси билан ташкил этилган жамғарма-мамизнинг асосий вазифаларидандир. Ибн Сино кутубхонаси ва музейи ташкил этилди. Жамғармаимиз томонидан чоп қилинаётган "Ibn Sino - Avicenna" деб номланувчи халқро журнал аллома қолдирган бой маънавий мерос ҳамда соғлом турмуш тарзи концепциясининг фаол тарғиботчиси. Бу борада улғу юртобшомиз асарларини ҳамда уларнинг аҳамиятини очиб беришга йўналтирилган қатор рисола-лар ҳам жамғарма кўмаги билан нашр этилди.

Айни пайтда жамғармаимиз ходимлари савй-ҳаракатлари билан "Соғлом турмуш тарзи ва касалликларнинг профилактикаси", "Болалар тарбияси",

"Гиёҳвандлик ва ВИЧ/ОИТС профилактикаси", "Ибн Сино геронтология маркази" каби маслаҳат марказлари ташкил этилди. Жамғармаимиз ҳузурида ЮНЕСКОнинг халқро биоэтика дастури бўйича миллий қўмитаси иш бошлагани ҳам аҳамиятга моликдир. Мазкур қўмита доирасида юртимизда биохилмаҳилликни таъминлаш муаммолари атрофича таҳлил этилмоқда.

Турли хорижий давлатлар олимлари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйганимиз. Масалан, 2004 йилда Францияда жамғармаимизнинг расмий ваколатхонаси очилди.

Яқинда Бельгиянинг Льеж шаҳри университетиде ҳамда Италиянинг Флоренция шаҳрида Ибн Синонинг 1025 йиллик юбилейи муносабати билан халқро анжуманлар ўтказилди. Флоренциядаги қариялар уйларида бири эндиликда улғу юртобшомиз номи билан аталмоқда. Номлари тилга олинган ҳар икки мамлакатда ҳам келгусида Ибн Сино халқро жамғармасининг расмий ваколатхоналарини очишга келишиб олинди.

Шу йил 21-22 ноябрь кунлари алломанинг туғилган юрти — Бухоро шаҳрида буюқ ватандошимизнинг 1025 йиллик ҳамда Сихат-саломатлик йилига бағишлаб анъанавий "V Ибн Сино халқро ўқишлари" илмий-амалий анжумани ўтказилди. "Буюқ мерос ва миллат саломатлиги" мавзуда ўтадиган мазкур йирик анжуманда ўтиздан ортиқ хорижий давлатдан келган олимлар билан бирга мамлакатимизнинг юздан зиёд олим ва мутахассислари ҳам иштирок этади.

**ЎЗА муҳбири Норали ОЧИЛОВ сўхбатлашди.**

### Бекажон

#### «Бризол» таоми



**Керакли маҳсулотлар:** 1 та озороча; 2 та тухум; 100 гр. пишлоқ; таъбга кўра туз ва зирavorлар; зар қоғоз. **Тайёрланиши:** озороча сўягидан ажратиб болғача билан уриб чиқилади. Тўртбурчак шақлга келтириб қерағича туз ва зирavorлар қўшилади. Устидан тухумли қўймоқ қўйилади. Кейин эса қирғичдан ўтказилган пишлоқ сеппиб, рулет шаклида ўралади. Қочини паства қаратиб зар қоғозга ўраб ёки товага қўйиб, ўрта оловда 35-40 дақиқа давомида пиширилади. Дастурхонга тортишдан аввал ёнига гарнир қўйиб тортилади. **Қўймоғи:** 2 та тухум яхшилаб аралаштирилади. Устига 1 боғ кўк пиёз тўралади ва товадаги ёғда 5 дақиқа димлаб пиширилади.

### Фойдали маслаҳатлар

Майизли рулет ёки бирор бир пиширик тайёрламочки бўлсангиз, майизни яхшилаб ювиб уни билан аралаштирган ҳолда ишлатинг. Шунда бир текисда жойлашади.

Сут қайнаётганда идиш четига озорқ ёғ суртиб қўйсангиз, сут «қочиб» кетмайди.

Хамир қоришдан олдин тухум саригига озорқ туз қўйсангиз, тайёрлайдиган пиширик (торт, пирог, рулетнинг ранги сарик ва чиройли бўлади).

Картошкани бутун ҳолда қайнатаётганда, ёрилб кетмаслиги учун бир неча жойидан тешиб қўйинг.

Нўхат алоҳида пиширилганда идишдаги сув нўхат билан баравар бўлиши керак. Пишириш пайтида уни қовламанг, акс ҳолда нўхат эзилиб пишади.

### Қаймоқли торт



Бундай торти тайёрлаш учун сирли идишга 4 донга тухум қакиб, яхшилаб аралаштиринг. Кейин бир стакан шакар, ярим стакан қаймоқ, бир чой қошиқда истеъмол содаси, ярим стакан қатик солинг. Шундан сўнг ун қўшиб қўймоқчилик сингари хамир тайёрланг. Тайёр массани торт қолипига қўйиб, қизилган газ печига қўйинг. Торتنинг пишшиш мuddати ярим соат.

**Торт юзини безаш учун уй шаронтида қуйидаги қрем тайёрланади:** 2 ош қошиқ сарқоқа 1 ош қошиқ асал, 1 чой қошиқда қавак кукунли солиб аралаштирилади. 10 дақиқача музхонага қўйилади. Тортининг чеккалари ва устини туйилган ёнғоқ мағзи ёки олча, малина каби мевалар билан безаса ҳам бўлади.

## Ангрэн шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси иш юритувида мавжуд бўлган Тошкент вилоят хўжалик судининг 2005 йил 7 июлдаги суд буйругига асосан қарздор «Янгиобод йўллардан мунтазам фойдаланиш» бошқармасига тегишли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари кимошди савдосига қўйилади.

Т/р	Автотранспорт русуми	Давлат рақами белгиси	Ишлаб чиқарилган йили	Автотранспортнинг ҳолати	Бошланғич нархи (сўм)	Ўтказиладиган вақти
1	ЗилММЗ-4501	11 АЖ 272	1978 йил	Носоз	300.000	01.12.05 й.
2	Краз-256Б1	11 АД 905	1985 йил	Носоз	2.500.000	01.12.05 й.
3	Ниссан	11 АА 806	1997 йил	Носоз	4.000.000	01.12.05 й.
4	Маз-503	11 АД 913	1970 йил	Носоз	800.000	01.12.05 й.
5	Камаз-35511	11 АД 379	1984 йил	Носоз	400.000	01.12.05 й.
6	Маз-35511	11 АД 046	1998 йил	Носоз	3.500.000	01.12.05 й.
7	Маз-54331	11 АД 096	1997 йил	Носоз	3.300.000	01.12.05 й.
8	Маз-5551	11 АД 045	1999 йил	Носоз	3.700.000	01.12.05 й.
9	Маз-54331	11 АД 099	1997 йил	Носоз	3.300.000	01.12.05 й.
10	Маз-54331	11 АД 100	1998 йил	Носоз	3.200.000	01.12.05 й.

**Кимошди савдосида қатнашувчилар диққатига!** Юқоридаги автотранспорт воситаларининг кимошди савдосида қатнашиш истагани билдирган юридик ва жисмоний шахслар ариза билан мурожаат этиб, автотранспорт воситасининг бошланғич нархининг 10% миқдоридеги тўловни Ангрэн шаҳридаги «Ипотекабанк»нинг МФО 00461, ИНН 203576684, 20203000304112059005-сонли суд ижрочиларининг депозит ҳисоб рақамига ўтказишлари лозим. Аризаларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига 3 кун қолганда тўхтатилади. Маълумот учун телефон: (8266) 21-514.

## КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Автотранспорт воситасининг русуми	Бошланғич нархи	Кимошди савдоси ўтказиладиган жой	Кимошди савдоси ўтказиладиган вақт	Автотранспорт воситасининг техник ҳолати
ММЗ-554	400.000 сўм	Судлар департаментининг Тошкент вилоят худудий бўлими, Тошкент ш., У.Носир кўчаси, 93-уй, 3-қават.	21.12.2005 йил соат 10.00да	техник носоз

Кимошди савдосида қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар бошланғич нархдан келиб чиққан ҳолда (10 фондан кам бўлмаган миқдорда) дастлабки тўловни Пскент туман суд ижрочилари бўлинмасининг Пскент АТ «Пахтабанк»даги МФО 00472, ИНН 201122997, 20204000500101008102-сонли депозит ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Қатнашувчилардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишидан камида 3 кун олдин тўхтатилади. Маълумот учун манзил: Пскент туман суд ижрочилари бўлинмаси (Пскент шаҳри, М.Маликов кўчаси, 1-уй, телефон: (8-254) 52-132.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ** **Муассис:** **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ** **Бош муҳаррир** **Убайдулла АБДУШОҲИДОВ** **Телефонлар:** **Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.** **Манзил:** **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчйлар кўчаси, 32.** **Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.** **Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида тартибда ва саҳифаланди.** **Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.**